

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ДИНИЙ ОМИЛНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

ВЛИЯНИЕ РЕЛИГИОЗНОГО ФАКТОРА НА СОВРЕМЕННОЕ ОБЩЕСТВО В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

INFLUENCE OF THE RELIGIOUS FACTOR ON MODERN SOCIETY UNDER THE CONDITIONS OF GLOBALIZATION

Dilafruz TURDIEVA

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,

Senior lecturer of the UNESCO chair
on religious studies and the comparative study
of world religions,

dilyadiamond@iiaa.uz

11 A.Kadiri, Tashkent 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2022/1/9

Аннотация. Жаҳон сиёсати муайян давлатнинг ўзига хослиги ва урф-одатлари билан боглиқ шароитлар ҳамда омиллар тўғрисида давлатларнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мураккаб ва кўп қиррали муносабатдир.

Халқаро муносабатларда диннинг ўрни иқтисод ва сиёсатчилик муҳим деб ҳисобланмайди. Лекин дунёда турли динлар нуқоти остида юзага келаётган низо ва келишмовчиликлар жаҳон ҳамжамятига диний омилнинг қанчалар муҳим экани, бу омил чегара билмаслиги, муайян давлат ҳудудида қолмаслигини такрор ва такрор эслатмоқда.

XX асрда динга бўлган салбий муносабат XXI асрга келиб тубдан ўзгарди, дин шахс ва жамият ўртасидаги богловчи, жаҳон ҳамжамяти сиёсий тизимида келишувга эришишдаги муҳим омил сифатида кўрила бошлади. Жаҳон сиёсатида диний омилнинг кучайиши нафақат глобаллашув, балки халқаро муносабатларнинг кўп асрлик секуляризация жараёни билан ҳам бевосита боглиқ ҳисобланади.

Маълум йўналишлардан келиб чиққан ҳолда сиёсий омилга таъсир этувчи тизим турли кўринишга эга бўлса ҳам, лекин умумий тартибда у иқтисодий, жўгрофий, этномиллий, диний, маданий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий жараёнлар билан боглиқ ҳисобланади.

Ушбу мақолада ҳозирги кунда халқаро сиёсатда маданий ва диний омил ҳам бошқа омиллардан кам бўлмаган муҳим аҳамият касб эта бошлагани, жаҳон сиёсатида диний омилнинг кучайиши нафақат глобаллашув, балки халқаро муносабатларнинг кўп асрлик секуляризация жараёни билан ҳам бевосита боглиқ

экани, XX асрга келиб халқаро муносабатларнинг диний анъаналар доирасида намоён бўлишида диний омил ўзини борица намоён эта бошлагани, у ҳақда турли назария ва қарашларнинг пайдо бўлишига асос бўлгани ҳамда ушбу назариялар таҳлили, бундан ташқари диний омилнинг жамиятнинг барча соҳаларига кўрсатган таъсири тадқиқ этилган.

Мақолада диний омил ва унга берилган таърифлар, Малайзия тарихи, диний-фалсафий таълимотлари, мазкур ўлкада диний омилнинг жамият ва сиёсатидаги ўрнини ўрганишда қиёсий-тарихий, типологик, герменевтик ҳамда адабиётларни комплекс таҳлил этиши усулларидан фойдаланилди.

Калим сўзлар: дин, диний омил, глобаллашув, сиёсат, жаҳон динлари, миллий динлар, диний ташилотлар, нодавлат ташилотлар, инсон омили.

Аннотация: Мировая политика представляет собой сложные и многогранные отношения, основанные на национальных интересах государств, обусловленные условиями и факторами, связанными со спецификой и обычаями конкретного государства.

Роль религии в международных отношениях не считается столь важной, как экономика и политика. Но конфликты и разногласия, возникающие в мире под прикрытием разных религий, напоминают мировому сообществу, насколько важен религиозный фактор, что этот фактор не знает границ и не ограничивается территорией того или иного государства.

В XX веке негативное отношение к религии радикально изменилось. В XXI веке религия стала рассматриваться как связующее звено между личностью и обществом, важный фактор достижения гармонии в политической системе мирового сообщества. Возникновение религиозного фактора в мировой политике напрямую связано не только с глобализацией, но и с многовековым процессом секуляризации международных отношений.

Хотя система, влияющая на политический фактор в разных направлениях, имеет разные формы, в целом, она связана с экономическими, географическими, этнонациональными, религиозными, культурными, общественно-политическими и историческими процессами.

В данной статье отмечается, что культурно-религиозный фактор в настоящее время становится столь же важным в международной политике, как и любой другой фактор. К XX веку религиозный фактор стал проявляться в проявлении межнациональных отношений в рамках религиозных традиций, что привело к возникновению различных теорий и взглядов на него, и впоследствии к анализу этих теорий. Мы также рассматриваем в нашем исследовании влияние религиозного фактора на все слои общества.

В исследовании использованы сравнительно-исторический, типологический, герменевтический методы исследования, а также метод комплексного анализа литературы при изучении религиозного фактора, его роли в общественно-политической жизни страны,

а также религиозно-философских учений и истории Малайзии.

Ключевые слова: религия, религиозный фактор, глобализация, политика, религии мира, национальные религии, религиозные организации, негосударственные организации, человеческий фактор.

Abstract: World politics is a complex and multifaceted relationship based on national interests, due to the conditions and factors associated with the specifics and customs of a particular state.

The role of religion in international relations is not considered as important as economics and politics. But the conflicts and disagreements that arise in the world under the guise of different religions remind the world community how important the religious factor is. This factor knows no boundaries and is not limited to the territory of a particular state.

In the 20th century, negative attitudes towards religion changed radically. In the 21st century, religion began to be seen as a link between the individual and society, a sizable factor in achieving harmony in the political system of the world community. The emergence of the religious factor in world politics is directly related not only to globalization but also to the centuries-old process of secularization of international relations.

Although the system that influences the political factor in different directions has different forms, it is associated with economic, geographical, ethnonational, religious, cultural, socio-political, and historical processes.

This article notes that cultural and religious factor is becoming as important in international politics as any other factor. By the twentieth century, the religious factor began to manifest itself in the manifestation of interethnic relations within the framework of religious traditions, which led to the emergence of various theories and views on it and subsequently to the analysis of these theories. We also consider in our study the influence of the religious factor on all strata of society.

The study used comparative-historical, typological, hermeneutic methods of research, as well as the method of complex analysis of literature in the study of the religious factor and its definitions, its role in the socio-political life of the country, religious and philosophical teachings, and the history of Malaysia.

Keywords: religion, the religious factor, globalization, politics, religions of the world, hermeneutic methods, religious organizations, non-governmental organizations, human resources.

КИРИШ

Жаҳон сиёсати муайян давлатнинг ўзига хослиги ва урф-одатлари билан боғлиқ шароитлар ҳамда омилар туфайли давлатларнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мураккаб ва кўп қиррали муносабатдир.

Ўзбек тилига омил деб таржима қилинувчи атама лотин тилидан олинган бўлиб, сабаб, маълум жараённинг характери ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаштирувчи ҳамда кучга келтирувчи ҳаракат маъносини англатади (Большая советская энциклопедия, 1978).

Тарихий жараёнларнинг тизимли таҳлили субъектив ва объектив шароит, жиҳат ва омиларнинг диалектик ўзаро таъсири билан яхлит манзарани талаб этади. Одатда, маълум жамият тарихини аниқлаштирувчи омилар қаторига табиат, этник элемент, диний, тарихий воқеаларни киритиш мумкин. Бу омиларнинг барчаси универсал характерга эга бўлиб, жамиятнинг барча тури учун тадбиқ этиш мумкин.

Маълум йўналишлардан келиб чиққан ҳолда сиёсий омилга таъсир этувчи тизим турли кўринишга эга бўлса ҳам, лекин умумий тартибда у қуйидагилар билан боғлиқ ҳисобланади: иқтисодий, жўғрофий, этномиллий, диний, маданий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий (Переяшкин А.В., 2015:17).

Омиллик нуқтаи назари илмий феномен сифатида жамиятнинг тарихий-маънавий ривожланиш жараёнида шаклланиб, бойиб борган. Буни биз Геродотнинг “Тарих”, Н.Макиавелли ва Ф.Бэкон, Т.Гоббс, Т.Карлейл, М.Вебер, О.Шпенглер, Г.Гюнтер асарларида кўришимиз мумкин. Ривожланишнинг фаол босқчини ҳозирги кунда Ж.Корм, Дж.Рейнес, И.Д.Звягельская, А.И.Фурсов, А.В.Митрофанова ва бошқа етук сиёсатшунос мутахассислар илмий ишларида кўзга ташланади.

УСЛУБЛАР

Тадқиқот жараёнида диний омил ва унга берилган таърифлар, уни тадқиқ этган олимлар, Малайзия тарихи, диний-фалсафий таълимотлари, мазкур ўлкада диний омилнинг жамият ва сиёсатдаги ўрнини ўрганишда қиёсий-тарихий, типологик, герменевтик ҳамда адабиётларни комплекс таҳлил этиш усулларидадан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ

Сўнгги вақтлардаги глобаллашув жараёни, чегараларнинг йўқолиши ва миллийлик хусусиятларининг йўқотилишига бўлган уринишлар жаҳон сиёсатида “инсон омили” ҳақида сўз юритилишига, бу ўз навбатида халқаро муносабатларнинг антропологияси деган тушунчанинг шаклланишига сабаб бўлди. Кўп ҳолларда жамият фаровонлиги ва маънавий ҳолати билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий

муаммоларнинг инобатга олинмаслиги билан изоҳланади. Сиёсий антропологиянинг мақсади халқаро муносабатларнинг инсон ва унинг давлатдаги ҳамда дунёдаги мавқеига таъсирини ўрганишдан иборат (Баталов Э.Я., 2010:93). Сиёсатшуносликдаги кўзга кўринган ходисалардан бири Дж.Бейлис, С.Смит, П.Оуэнсларнинг “Жаҳон сиёсати глобаллашуви” номли асари бўлди. Бу асарда улар “инсон омили” атмасини кенгайтирадilar ва уни мураккаб тузилма сифатида кўриб чиқадilar (John Bay, 2008).

Келтирилган асар асосида сиёсат фанлари номзоди илмий даражасини олиш мақсадида А.В.Переяшкин “Религиозный фактор в современной мировой политике” номли диссертациясида халқаро сиёсат таъсир этувчи омилларнинг баъзилари – экологик, террористик, инсон ҳуқуқлари, камбағаллик ва маданият омилларининг таҳлилини ўтказган (Переяшкин А.В., 2015).

Халқаро муносабатларда диннинг ўрни иқтисод ва сиёсатчилик муҳим деб ҳисобланмайди. Лекин дунёда турли динлар никоби остида юзага келаётган низо ва келишмовчиликлар жаҳон ҳамжамиятига диний омилнинг қанчалар муҳим экани, бу омил чегара билмаслиги, муайян давлат ҳудудида қолмаслигини тақрор ва тақрор эслатмоқда.

XX асрда динга бўлган салбий муносабат ХХІ асрга келиб тубдан ўзгарди, дин шахс ва жамият ўртасидаги боғловчи, жаҳон ҳамжамияти сиёсий тизимида келишувга эришишдаги муҳим омил сифатида кўрила бошлади.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб терроризм халқаро ҳамжамиятнинг муҳим омилларидан бири сифатида намоён бўла бошлади, албатта бу глобаллашувнинг тўғридан-тўғри оқибати ҳисобланмаса-да, глобаллашув билан техник боғлиқ ҳисобланади, зеро ўз амалиётида терроризм кўплаб усул ва технологиялардан фойдаланади. Жаҳон ҳамжамияти бу билан курашиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас албатта, лекин терроризмни йўқотиш учун унинг моддий ва маънавий илдизларини йўқ қилиши лозим. Бу ҳақда соҳа мутахассиси А.К.Кронин ҳам қатор изланишлар олиб борган (Cronin A. K., 2002), ҳеч кимга сир эмас бугунги кунда терроризм дин никоби остида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бунга қарши курашда албатта қатор халқаро ташкилотлар ўз ҳиссасини қўшмоқда, жумладан фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти, 1970 йилда қабул қилинган ҳаво кемаларининг ноқонуний қўлга олишга қарши кураш Гааг конвенцияси, 1985 йилда Интерпол таркибида жамоат хафсизлиги ва терроризмга қарши кураш бўлимининг ташкил этилиши, шунингдек антитеррор коалицияларининг пайдо бўлиши бунинг ёрқин исботидир (Chalk P., 1996:98). 1948

йилдан 1993 йилга қадар инсон ҳуқуқларига доир 12 та йирик халқаро ҳужжатлар қабул қилинган.

Ҳозирги кунда халқаро сиёсатда маданий ва диний омил ҳам бошқа омиллардан кам бўлмаган муҳим аҳамият касб эта бошлади. Исталган жамият борки, ўзининг тил, адабий, бадиий маданияти, шунингдек ижтимоий ҳаётини акс эттирувчи тартиб ва қоидаларни шакллантиради. Маданият мафкурадан юқори туриши ва айнан у инсоннинг жамиятда ким эканини аниқлаб берувчи омил ҳисобланади. Дин инсоният тарихидаги энг катта куч ҳисобланади. Жаҳон динлари инсоният орасида кенг тарқалиш имконига эга бўлса, миллий динлар бунинг акси, яъни улар тор доирада мавжуд бўлади, холос. Динлар тарихнинг турли даврларидаги тазйиқлар остидаги фаолиятига қарамай бугунги кунда у ўзининг юқори таъсир кучига эга эканини унутмаслик лозим. Хусусан, Жануби-Шарқий Осиё минтақасида ҳам ислом, христианлик ва буддавийлик динларининг таъсир кучи сезиларли даражада.

Жаҳон сиёсатида диний омилнинг куча-йиши нафақат глобаллашув, балки халқаро муносабатларнинг кўп асрлик секуляризация жараёни билан ҳам бевосита боғлиқ ҳисобланади.

1648 йилдан сўнг дунёда халқаро муносабатларнинг Вестфаль тизими амалда қўлланила бошланди, бу тизимнинг мақсади дин уруш ва низоларнинг манбаи сифатида кўрилиб уни иккинчи даражалига чиқариш эди. Вестфаль тизими қуйидаги тўрт тамойилга асосланган эди:

- давлат халқаро тизимдаги ягона қонуний иштирокчи;
- ҳукумат бошқа хорижий давлатларнинг дин ва сиёсат ўртасидаги муносабатларни ўзгартиришга ҳаракат қилмайди;
- диний соҳа раҳбарларининг сиёсат масалаларидаги доиралари жуда тор;
- давлат ва диннинг бир-биридан ажратилгани (Переяшкин А.В., 2015:33).

Аксарият сиёсатшунос мутахассислар замонавий жамиятда сиёсатнинг илоҳийлаштирилиши секуляризация ва янгиланиш жараёнларига бўлган муносабат, деб ҳисоблайдилар (Marty M. and Appleby R.S., 1993).

Шу ўринда, “диний сиёсатшунослик” мақсад эмас дунёда содир бўлаётган жараёнларга муносабат эканини унутмаслик лозим. 1979 йилдаги Эрондаги революция Яқин Шарқдаги сиёсатга ўз таъсирини кўрсатди, диний-маънавий соҳага сиёсий тусни қайтарди, капиталистик дунёда эса диний омилдан виждон эркинлигини намоён этувчи восита сифатида фойдаланилар эди (Переяшкин А.В., 2015:34).

Шу сабабли, дин инсонларни бирлаштирувчи куч сифатида намоён бўлиш хусусиятини йўқотди.

XX асрга келиб халқаро муносабатларнинг диний анъаналар доирасида намоён бўлишида диний омил ўзини борича намоён эта бошлади, у ҳақда турли назария ва қарашлар пайдо бўлди. Уларнинг ичида энг кўзга кўрингани америкалик сиёсатшунос ва социолог С.Хантингтоннинг фикрлари ҳисобланади, ўзининг 1996 йилда ёзилган “Цивилизациялар тўқнашуви” номли китобида келтиришича, келажакда дунё ислом ва христианлик динларига асосланган цивилизациялар тўқнашувига дуч келади (Huntington, S., 1996).

В.Н.Белогорцев, И.Е.Задорожнюк, И.Д.Звягельская, Г.В.Косов, В.Р.Легойда, М.В.Мамаладзе, А.В.Митрофанова, М.М.Мчедлова, Г.В.Станкевич, С.П.Бергер, С.Хантингтон, П.Бьюкенен ва бошқа бир қатор олимлар сиёсат ҳамда диннинг жаҳондаги ўрнини ўрганишда пойдевор қўйганлар.

1989 йилда “совуқ уруш”нинг тугаши жаҳон саҳнасида динларнинг ўрнини оширди. Хусусан, ислом ва христианлик динлари чегара билмаса, конфуцийлик, ҳиндуйилик каби миллий динлар маълум ҳудуд доирасида сиёсатга ўз таъсирини ўтказа бошлади. Ташқи сиёсатда бу албатта конфессиялараро муносабатларни белгилаб берувчи омил сифатида намоён бўла бошлади. XX асрга келиб соҳа мутахассислари ўз илмий ишларида диний омилга кўп мурожаат эта бошлаганлар.

Диний омилнинг сиёсий жараёнлардаги ўрнига тавсиф беришда мутахассислар Л.Пай ҳамда замонавий шарқшунослар ишига мурожаат қиладилар. Бундан ташқари улар, сиёсий жараёнларни ғарбий ва ноғарбий турларга бўладилар. Хусусан, Л.Пай сиёсий жараёнларнинг 17 та хусусиятини ажратиб кўрсатади. Л.Пай томонидан таклиф этилган ноғарбий сиёсий жараёнлар тузилмаси унинг хусусиятларини тўлиқ очиб беради, Л.С.Васильев ва Б.С.Ерасовларнинг шарқона жамиятларнинг ўзига хосликлари борасидаги назарий мушоҳадалари эса, сиёсий жараёнларнинг асосий элементлари ривожланишини кузатиш имконини беради.

Сиёсатшунос Г.В.Косов Шарқ оламидаги сиёсий жараёнлар ҳукуматни эгаллаш жарёни эмас балки, анъаналар сифатида давом этиб келаётган тизимни сақлаб қолишга бўлган уринишдир, унинг замирида эса диний омил сафарбарликка чақирувчи куч сифатида намоён бўлади, деб таъкидлайди (Косов Г.В., 2008).

Файласуф ва диншунос, дин психологияси ва социологияси бўйича олим Д.Угринович

диннинг сиёсатга бўлган таъсирининг учта асосий йўналишини кўрсатиб беради:

Биринчидан, диннинг бирор дин вакили бўлган инсоннинг сиёсий хатти-ҳаракатларига таъсири. Дин пешволари диний даражасидан қатъий назар ўз маърузаларида сиёсий ва ижтимоий масалаларга бевосита тўхталадилар, ҳар қайси дин доирасида олиб борилган тарғибот ишлари маълум даражада инсонларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, диннинг ибодатхона ва диний ташкилотлар тарғиб қилувчи аниқ ижтимоий таълимотлари орқали сиёсий жараёнларга таъсири.

Учинчидан, диний ташкилотларнинг кундалик сиёсий фаолиятлари орқали дин сиёсий жараёнларга таъсир ўтказди (Угринович Д.М., 1965:325-326).

Мутахассислар Ғарб давлатларидан фарқли ўлароқ Шарқ мамлакатларида дин мавжуд динларнинг кафолати экани, баъзи ҳолларда ундан сиёсий мақсадларда ҳам фойдаланилишини таъкидлайдилар. Миллий ва миллатлараро даражада турли ижтимоий институтлар сезиларли даражада таъсир кучига эга, уларнинг барқарор ғояларини шакллантирган ҳолда ҳаракатлар мотивациясини аниқлаштиради, бу эса сиёсатда диний омилни мустақил ҳолда ўрганиш имконини беради.

Дин ва унинг ижтимоий институтлари кўламадан қатъий назар ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади (Buvinic, M.).

Инсонларнинг динга муносабати ислохотлар даврида бошланиб ҳозирга келиб якунланди. Ғарб учун дин борасида кўзга кўринган сиёсат Наполеоннинг диний сиёсати бўлди (Яковлев А.И., 2013:6). Анъанавий идеалларга содиқликни рад этиб, Мисрдаги мусулмонларни ўз томонига оғдиришда, ўзи бошқарадиган ҳудудларда яшовчи яҳудий жамоаларига фуқаролик ҳуқуқларини тақдим этганда, Рим папаси билан келишув тузганда шахсий ва миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда етакчилик қилган. Императорнинг бу каби сиёсати жуда камчилик томонидан қўллаб-қувватлангани сир эмас, албатта. Шу тариқа, давлат билан бир сафда бўлиб динга бўлган муносабатни белгилаб берувчи замонавий ғарб цивилизацияси дунёқарашига асос солинган. XIX асрда дин турли мафкуралар таъсирида ўз илоҳийлигини йўқотиб европаликлар ҳаётидан сиқиб чиқарилган ва факатгина шахсий ҳаёт доирасида мавжуд бўлган.

Бугунги кунга келиб маълум дин вакилларининг сони ва дунёда ривожланган ижтимоий институтлар тармоғининг мавжуд бўлиши диний омилнинг улкан салоҳиятидан дарак беради.

1990 йилнинг бошлари узоқ муддатли “мафкуралар даври”нинг тугашига олиб келди: икки

асрдан ортиқ давр мобайнида мафкура инсонлар онгида диннинг ўрнини босишга ҳаракат қилди, лекин бу улардаги эътиқодга бўлган интилишни камайтира олмади. Француз файласуфи Ж.Корм фикрига кўра, 1991 йил мафкуранинг тугатилиши эмас, аксинча янги мафкура, фундаментал ўзгаришларни аниқлаштирувчи, хусусан халқаро сиёсий жараёнлардан чиқиб кетган диний қарашларга асосланган глобаллашув мафкурасининг юзага келишига замин яратди (Корм Ж., 2012:40-43).

Бошқа сўз билан айтганда, 1989-1991 йилларда дунёда мафкураларнинг йўқ қилиниши дунё сиёсатида диннинг намоён бўлишига олиб келди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, диний омил дунё сиёсатида янги пайдо бўлган жараён эмас, илгари у диний ҳаёт тарзи билан боғлиқ бўлган бўлса, ҳозирги кунда у ҳар қандай мафкуранинг ўрнини босиш учун хизмат қилмоқда.

Омил бу – бирор жараённинг характери ёки алоҳида белгиларини аниқлаштириб, ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Диний омил бугунги кунда Шарқ ва Ғарб давлатларининг сиёсий жараёнларни ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Бу ўз навбатида унинг турли таърифларининг пайдо бўлишига замин яратди. Жамиятлар ривожига инқирозлар ҳақида В.Зомбарт, Х.Ортега-и-Гассет, Ж.Бодрияр каби файласуф ва социологлар ўз муносабатларини билдириб бир қатор асарлар яратганлар. 1953 йилда Б.П.Вышеславцев “Саноат маданияти инқирози” номли китоб яратди. Г.Кюнг эса ўзининг “Янги парадигма йўлидаги илоҳиёт” номли китобида, ҳозирда бутун дунё олдида дин кашфиёт сифатида намоён бўлмоқда. Динга бўлган муносабатлар қандай бўлишидан қатъий назар у янада барқарор эканини исботлади, деб таъкидлайди (Яковлев А.И., 2013:11).

Жаҳон ҳамжамияти 1979 йил Эронда бўлиб ўтган антимонархия эмас балки ислом революцияси натижасида диний омил билан тўқнаш келди. Оммавий норозилик ислом муҳолифатлари томонидан амалга оширилган бўлиб, Муҳаммад Ризо Пахлавийнинг тахтдан ағдарилиши натижасида ислом динига асосланган янги ҳукуматга асос солинди.

Хусусан, Г.Кюнг таъкидлаганидек, “янги аср бутлари ҳисобланган фан, технология ва саноат сезиларли даражада ўзини обрўсизлантирди, шу сабабли улар инсоният ҳамда ер юзида мавжуд бўлишлари учун ахлоқий жавобгарликка тортилишлари ва ахлоқий назоратга олинишлари лозим”, тараққиёт номини олган замонавийликнинг буюк худоси сохта худо сифатида фош этилди, эндиликда инсоният нафақат христианлик дини

балки бошқа динлар доирасида ҳам ҳақиқий худога эътиқод қилишга чақирилмоқда (Кюнг Г., 2000:390).

Британиялик диншунос олим Карен Армстронгнинг Америка ва Эрон инқилобларини таққослаши катта қизиқиш уйғотмоқда. Британия мустамлакалари ҳисобланган ҳудудлар аҳолисининг аксарият қисми англиканизм ёки католиклик эмас балки, протестантликнинг кальвинизм йўналиши эътиқодчилари ҳисобланган, инглизларга қарши курашда эса уларни турли тамойиллар бошқарган.

«Аслида диний мазмун-моҳиятни сиёсийдан ажратиш қийин. Диний ва дунёвий мафкура мустамлакачиларга Американинг келажаги тўғрисидаги турли фикрлардан йироқ ҳолда Англия империясига қарши чиқишда кесишар эди. Бу каби диний ва дунёвий ғоялар ихтилофи Эрондаги ислом инқилоби вақтида юзага келди» (Армстронг К., 2013:109). Иккала ҳолатда ҳам кескинлашган ижтимоий-сиёсий инқирознинг сабабини келажакдан, замонавий даврдан эмас, аксинча ўтмишдан қидирганлар. Буни мутахассислар анъанавий ва замонавий маданиятнинг ўртасидаги келишмовчилик, деб эътироф этадилар.

“Диннинг тикланиши” кўплаб жамиятларда келишмовчилик ва қарама-қаршиликларнинг юзага келишига сабаб бўлди, жаҳон сиёсатида диндан қурол сифатида фойдаланишга интилишни кучайтирди. Диний омил халқаро ва ички сиёсатда доим муҳим ўрин эгаллаган.

Тарихда ўз диний қадриятларига содиқ қолган инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган салб юришлари, турли урушлар бўлиб ўтган; Александр I томонидан Инжилдаги ғояларни давлатлараро муносабатларга татбиқ этиш мақсадида ташкил этилган лекин ҳеч ким учун буюклик олиб келмаган Европа монархлари муқаддас жамияти мавжуд бўлган; католиклар ва католик черковига нисбатан О.Бисмарк томонидан тазйиклар ўтказилган.

XX аср охирига келиб сиёсат оламида диний омил яна талаб даражасига кўтарилди. Диний омил бу, аввало диний институтлар, тузилмалар, трансмиллий характерга эга нодавлат ташкилотларнинг сиёсий жараёнларга фаол қўшилишидир. Диний омилнинг намоён бўлиши диний бирлашмаларнинг дунёнинг турли нуқталарида хайрия фаолияти билан шуғулланиши, диннинг халқаро ҳуқуқ нормаларига таъсирида сезилади. Баъзи ҳолларда ўзини Ғарб ва жаҳон ҳамжамиятига нисбатан диний фундаментализмнинг кучайишида намоён қилди.

Ж.Корм фикрига кўра, “динийликнинг сиёсат томонидан забт этилиши” содир бўлди (Корм Ж., 2012:16-17). Унинг фикрига кўра, “диний декорациялар” “ҳар ерда ҳозир динийлик”

тасаввурини уйғотади, аслида эса мафкуранинг янги кўриниши пайдо бўлди.

Диний омил жаҳон сиёсатида 1980 йиллардан бошлаб ўзини намоён қила бошлади. Ислом революциясидан бир неча йил ўтиб, Р.Рейган собиқ СССРга қаршилигида у “яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш” ҳақида фикр юритиб Библиядаги образларга мурожаат қилди. Янги сайланган Иоанн Павел II социалистик тузумга қарши курашга қаттиқ киришди.

Диний омилнинг барча кўринишларидан фойдаланиш, инсонлар онгига таъсирининг етарли даражада экани билан характерланади. Яқин Шарқда Фаластин ҳаракати мафкурасининг асосини ташкил этган араб миллатчилиги аввалига ғоявий жиҳатдан тўлдирилган бўлса, кейинчалик сиёсийлаштирилган ислом томонидан сиқиб чиқарилди.

1969 йили Саудия Арабистони кироли Фейсал ислом динига асосланган миллатлараро бутунжаҳон Ислом конференцияси ташкилоти (ҳозирги ислом ҳамкорлик ташкилоти)га асос солди. 1970 йилларда аксарият ислом давлатлари ҳамда Буюк Британияда ислом банклари тизими шакллана бошлади. Исроилнинг сиёсий ҳаётида диний партиялар муҳим роль ўйнади. Ҳиндистон аҳолисининг 80 % ҳиндуийлик динига эътиқод қилиши диний партияларнинг сиёсат саҳнасида пешқадам бўлишларига имкон яратди. XX аср бошида Туркияда Мустафо Камол Отатурк томонидан диний ташкилотлар фаолияти қаттиқ назорат остига олинган бўлса, аср охирига келиб диний омил ички сиёсатнинг муҳим омилига айланди. Югославиянинг парчаланиши, Сербия ва Косовадаги жараёнларда ҳам диний омил муҳим роль ўйнаган (Полывянный Д.И.). Ички сиёсатда диний омилдан фойдаланишнинг ёрқин мисоли сифатида Саудия Арабистони кироли Фахднинг 1982-2000 йилларда олиб борган сиёсатини келтириш мумкин. Ислохотлар натижасида ушбу давлат ислом динига асосланган замонавий иқтисодиётга ва ижтимоий соҳаси ривожланган давлатга айланди. Эрондаги инқилобларга жавоб тариқасида ва араб оламида кироликнинг мавқеини кўтариш мақсадида Фахд, энг аввало, эътиборни муқаддас жойларни сақлашга қаратди. Бу жараёнлар албатта, мамлакатда янгилашга қарши бўлганлар учун қўл келди, улар бу каби жараёнларга қарши турдилар, ислом халифалигини тузишни мақсад қилган исломийлаштириш – исломни сиёсийлаштириш ҳаракатлари юзага кела бошлади.

Сиёсий ҳаётда диний омилдан фойдаланилганлик ҳолатини Лотин Америкасида ҳам кўришимиз мумкин. 1968 йил Колумбияда ўтказилган иккинчи Лотин Америкаси епископлари

конференциясида қабул қилинган баённомага кўра, Лотин Америкасининг аксарият ҳудудларида ноҳақлик ҳукм сурмоқда, мавжуд тузумлар инсон ҳуқуқларини поймол этмоқдалар. Бу каби ҳолатлар тубдан ўтказиладиган қайта қуришга олиб боради, дейилган (Лейн Т., 1997:326). Бу озодлик ҳаракатлари учун қўйилган илк қадам эди. Колумбиялик руҳоний К.Торрес, инқилобчи ҳисобланмаган ҳар қандай католик, гуноҳлар ичида яшовчи шахс ҳисобланади (Лейн Т., 1997:327), дея инсонларни озодлик учун ҳаракатларда иштирок этишга даъват этган.

Сўнгги йилларда протестантизм Шарқ мамлакатларида ўзининг фаолиятини кенгайтиришга муваффақ бўлди. Аксарият инсонларни, ибодат тури ва шакли – энергетик ва очиқлик, оммавий маданият белгиларини ўзида жамлашга рухсат бериши жалб этади. Шунингдек, ибодат вақтида замонавий кўшиқлар сўзларини ибодат сўзларига ўзгартириб, ўзларига мослаштиришга рухсат берадилар (Религия и глобализация на просторах Евразии, 2009:97).

Нодавлат ташкилотлар ҳам замонавий муаммоларни ҳал этишда диний омилдан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. 2009 йилнинг 8-12 октябрида ўтказилган “Цивилизациялар мулоқоти” номли жаҳон жамоатчилик форумининг Родос декларациясида шундай дейилади:

“4.1. Жаҳон молиявий инқирози вақтида жаҳон динлари маънавий ва инсоний қадриятларни ажратиб олишда муҳим ўрин эгаллайди, инсонларга инсоният манфаатларига масъуллиқни эслатиб туради.

4.2. Динлар бу вазифани мукамал даражада бажаришга қодир бўлиб, умуминсоний манфаатлардан келиб чиққан ҳолда бир-бирини тўлдиради ҳам...

4.5. Биз барчага мурожаат қилган ҳолда, инсоният бир-бирини янада яхши тушуниши, ҳурмат қилиши ҳамда ҳамжиҳатликда яшаши учун бирор динга эътиқод қилиши ёки қилмаслигидан қатъий назар муайян динни, ёнма-ён яшаётган бошқа дин вакиллариининг урф-одатлари, диний таълимотлари, анъана ва маросимларини ўрганишга чақирамиз” (Родосская декларация 2009 года).

Диний омилнинг халқаро муносабатлардаги ўрнини ифодаловчи ёрқин мисоллардан яна бири сифатида Рим папаси Францискнинг 2014 йил май ойида Иорданияга қилган ташрифи чоғида, Исроил ва Фаластинликлар ўртасида тинчлик музокараларини Ватиканда ўтказиш таклифини келтиришимиз мумкин.

Диний омилнинг объектив таъсири, анъанавий қадриятлар тизимига содиқлик ёки унга нисбатан бефарқлик турли тўсиқлардан юқори ҳолда жамиятдаги ҳар бир инсоннинг дунёкарашини

белгилашда намоён бўлади ва анъаналарга муносабатидан келиб чиқиб ажратади. Диний институтлар инсонларнинг диний эҳтиёжлари ортиши ёки камайтишидан қатъий назар аввалгидек, ўз таълимотларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритишни давом эттирмоқдалар.

Диний омил диний ташкилотларнинг давлат билан муносабатларида ҳам намоён бўлади. Черков-давлат муносабатлари жамиятнинг эътиқод, дин ва диний институтларга муносабати каби ўзгармоқда. Давлат ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, диний институтларга таъсирини ўтказиши мумкин, хусусан, динлараро ва конфессиялараро низоларни ҳал этиш имкониятига эга, жамият эса қийин вазиятларда машҳур руҳонийларга мурожаат қилиш имкониятига эга.

Динлар ва маданиятлараро мулоқот бугунги кунда дунёвий ёки динлараро лойиҳалар доирасида олиб борилмоқда. Шунга қарамай, буни “доимий сулҳ” деб ҳам аташ мумкин. Дин эса, аввалгидек ижтимоий ривожланишнинг муҳим кўрсаткичи сифатида қолмоқда, диний омил эса замонавий сиёсатнинг ҳақиқатига айланмоқда (United Nations Human Development Report, 2003).

Асрлар мобайнида диний низолар турли давлатларнинг ташқи сиёсати таъсир этиб келган. Диний шиорлар янги ерлар ва савдо йўллариининг босиб олиниш йўлидаги ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий жараёнларда кенг қўлланилган. Диний омил кўплаб диний низо ва урушларга сабабчи бўлган. Конфессиялараро қарама-қаршилик ҳозирги кунга қадар нафақат халқаро балки ҳарбий қарама-қаршиликларни ҳам юзага келтиришга сабабчи бўлиб қолмоқда. Диний низоларни юзага келтирувчи ҳаракат асосчилари ва унинг иштирокчилари нафақат конфессиялараро, балки ижтимоий-сиёсий ва молиявий-иқтисодий муаммоларни ҳам ҳал этганлар.

Мутахассислар томонидан диннинг замонавий жамиятга қайтишини эътироф этишлари умумий характерга эга бўла бошлади. Америкалик сиёсатшунос Самюэль Хантингтон, XX аср охири турли динларнинг қайта тикланишининг гувоҳи бўлди, деб таъкидлайди (Земляков Л.Е., 2006:70). Бунда диний омил нафақат шахсий ҳаётга, балки инсоният фаолияти, жумладан сиёсатга ҳам ўз таъсирини ўтказиши назарда тутилади.

Диний-фалсафий қарашларнинг динамик тизими сифатида диний омил замонавий жамият ва давлат диний ташкилот ҳамда уюшмаларини мувофиқлаштириш шартига эга, жамият ҳаётига таъсир ўтказди. Таомилга кўра, у фуқароларнинг давлатга садоқатини аниқлайди, бир дин вакилларини бирлаштиради, давлатнинг ижтимоий ҳаётига

интеграция ва барқарорлаштириш элементларини киритади.

Тарихда ўтиш даврининг турли босқичларида давлатнинг кучи заифлашган вақтда, диний омил ижтимоий муносабатларнинг кескинлашувига, конфессиялар ва миллатлараро низоларнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлган.

Дин билан боғлиқ бўлган ғоя, қадрият, кўрсатмалар одатда, сиёсий ҳаётнинг таркибий қисмига айланади (Mukhamedov Nematullo & Turambetov Nurulloh, 2021:10). Дин, халқнинг миллий ва тарихий анъаналарининг таркибий қисми сифатида намоён бўлган ҳолда унинг маданий меросини қамраб олади.

Бугунги кунда диний омил атамаси уч ҳолатда ишлатилмоқда:

Биринчидан, умум-сиёсий жараёнларда, яъни дин таъсири остида вужудга келган ҳаракатларда.

Иккинчидан, диннинг умумижтимоий таъсири сезилган ҳолатларда.

Учинчидан, психологик ҳолатда, яъни шахслар ёки гуруҳларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларига таъсир этиши (Шерис А., 2009:110).

Сиёсий жараёнларни ўрганиш ҳозирги кунда ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида ривожланиб келаётган жараёнлардан бири ҳисобланади. Маданиятлараро ва динлараро қарама-қаршиликлар юзага келаётган бир даврда диний ташкилотларнинг замонавий дунё сиёсатида тутган ўрни бугунги кун тадқиқотчиларининг диққат марказида эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ижтимоий ҳаётда террорчи ташкилотлар фаолиятининг ривожланаётгани, миллий ғояни яратиш сиёсатининг оммалашиши, маданий қарама-қаршиликнинг ўсиб бориши дин ва сиёсатнинг ўзаро боғлиқлик жараёнини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Дин доимо жамиятнинг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказиб келган, лекин ҳозирги кунга келиб диннинг сиёсат оламидаги ўрни яққол кўзга ташланмоқда.

Дин ва сиёсатнинг ўзаро таъсирининг бир нечта омиллари мавжуд:

биринчидан, дин мафкуравий тизимнинг турларидан бири ҳисобланади, шу сабабли ҳам жамиятда диннинг мавжуд бўлиши унинг сиёсат таркибига киритилган ҳисобланади.

иккинчидан, инсон омили билан белгиланиши, яъни дин пешволарининг қизиқишлари ва ҳаракатлари оқибатидир, бунда буюк мақсадлар йўлида бирор-бир ижтимоий ҳаракат ёки сиёсий қарор қабул қилишда диний-ахлоқий нормаларнинг эътиборга олиниши.

учинчидан, сиёсатчиларнинг диндан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишлари.

тўртинчидан, сиёсий ва ижтимоий таҳдидларга қарши туришда эътиқодчиларнинг ўзаро маънавий бирлашуви (<http://lawinrussia.ru/content/religioznyy-faktor-v-politike>).

Сиёсатнинг дин омилига мурожаат қилишининг ўзи, диний омил ҳамда диний масалаларнинг замонавий жаҳон сиёсатидаги аҳамияти нақадар муҳим эканини кўрсатади.

Диний омил қатор йўналишларда амалда қўлланилади:

Биринчидан, давлат сиёсати шаклланишига замин яратувчи ижтимоий дастурларга билвосита таъсир қилиш.

Иккинчидан, диний ва дунёвий ташкилотларнинг халқаро фаолиятдаги бевосита иштироки.

Учинчидан, халқаро даражадаги жараёнларда иштирок этувчи, раҳбарларга ўз сўзи ва фикрини ўтказа олувчи алоҳида шахсга таъсир этиш.

Дин давлат раҳбари ва арбобларининг психологик мавқеига таъсир этувчи ижтимоий онгни шакллантирса, диний омил сиёсий жараёнлар оқимининг характерини аниқлаш имконини берувчи жараёнларни шакллантиради.

Диний ташкилотлар фаолияти кўп ҳолларда нодавлат ташкилотлар фаолияти билан ўхшаш ҳамда жаҳон сиёсатида умумэтироф этилган омиллардан бири ҳисобланади. Лекин шуни ҳам инобатга олиш лозимки, диний омил тўғридан-тўғри сиёсий қарорларнинг қабул қилинишига ўз таъсирини ўтказа олмайди. Диний омил ўз таълимотини тарғиб этиш, жамият эътиборини содир бўлаётган жараёнларга ахлоқий жиҳатдан баҳо беришга чақиришни олдида мақсад қилиб қўяди.

Диний омил кадриятларга, ҳукумат даражасида қарор қабул қилиш жараёнига таъсир этувчи куч ҳисобланади. Ўрта асрларда диний омил аксар ҳолларда давлатларнинг ташқи сиёсатига таъсир кўрсатган. Ушбу даврда конфессиялараро низолар диний урушларга айланишига сабабчи бўлган (Назаров А.А., 2017:26).

Конфессионал қарама-қаршиликлар ҳозирги кунга қадар нафақат халқаро балки ҳарбий низоларнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи сифатида кўрилиши мумкин. Диний низолар жараёнида ташаббусчи ва аъзолар нафақат конфессиялар балки ижтимоий-сиёсий ва молиявий-иқтисодий муаммоларни ҳам ҳал этишга ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Ўрта асрларда диний омил аксарият ҳолларда давлатларнинг ташқи сиёсатига бевосита таъсир кўрсатган. Бу даврда конфессионал низолар кўп ҳолларда диний низоларга айланган. Диний шиорлар остида янги давлатлар тузилиб, аввалдан мавжуд давлатлар йўқ қилинган.

Диний низолар натижасида Араб халифалиги ва Қуддус қироллиги, Тевтон ва Ливон орденлари юзага келди. Диний урушлар вақтида ғолиблар савдо йўллари назоратини қўлга олар эдилар, мағлублар ерлари ва мол-мулкларини ўзлаштириб, аҳолини ўз динларига эътиқод қилдирар эдилар.

VII-VIII асрлардаги диний низолар натижаси ўлароқ Араб халифалигининг юзага келиши, XI-XV асрларда католик черкови ва ҳарбий-монах орденларининг иштирокидаги реконкист ва салб юришлари натижасида Араб халифалиги томонидан эгалланган ерларнинг қайтариб олинишига уриниш, XVI-XVII асрларда диний низоларнинг янги босқичи бошлангани бунинг ёрқин исботи. XIX асрга келиб диний омил диний низоларни келтириб чиқармаган бўлса ҳам, ташқи сиёсатда ўз таъсир кучига эга бўлган. XX асрда эса, янги диний низолар юзага келди, 1948 йилда Яқин Шарқда Исроил давлатининг юзага келиши мусулмон давлатлари ва яҳудийлар ўртасидаги, хусусан, ислом ниқоби остидаги низоларнинг юзага келишига сабаб бўлди. 1979 йил Эрондаги ислом революцияси Эрон-Ироқ урушини юзага келтирди, бу ўз навбатида суннийлар ва шиалар ўртасидаги келишмовчиликларнинг кескинлашуви сабаб бўлди (Назаров А.А., 2017).

XXI асрда ҳам диний омил давлатларнинг ташқи сиёсатига таъсир этишда давом этмоқда. Ундан ҳозиргача сиёсий ва иқтисодий мақсадларга эришишнинг асосий омили сифатида фойдаланилмоқда.

Дунё сиёсатида диний омил тушунчасини тўғри англашга “дин” ва унга яқин атамалар маъносининг сермазмун экани бир қатор муаммоларни юзага келтириши мумкин, илмий соҳада уни тўлиқ англаш учун эса атама мазмун-моҳиятини торайтириш лозим. Америкалик файласуф ва психолог Уильям Джеймс (1842-1910) фикрига кўра, “дин” атамасига берилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда унга дунёқараш, маросимлар йиғиндиси, ғайритабиий кучларнинг шахсий тажрибаси ҳамда ижтимоий институтлар (диний конфессиялар ибодатхоналари ва бошқалар) жамланмаси сифатида зикр этиш мумкин (Митрофанова А.В., 2008:109).

Ҳар қандай дин – жаҳон дини ёки миллий дин бўлишидан қатъий назар ўзининг ижтимоий институтларига эга бўлади. Турли динларнинг ижтимоий институтлари дунёдаги сиёсий жараёнларнинг иштирокчиси ҳисобланадилар. Мутахассислар жаҳон сиёсатида диний ташкилотлар фаолиятини диний омил билан тенглаштириш тўғри эмаслигини, чунки бу ерда диннинг дунёқараш ва тажрибага таъсири эмас, балки маълум диний ташкилотнинг таъсирини таъкидлайдилар.

Кўп ҳолларда дин ва сиёсат муносабатлари диний институтлар ва давлат ўртасидаги муносабатларда мавжуд муаммолар билан қориштириб юборилади. Дин дунё ҳамжамиятида давлатлар, алоҳида гуруҳлар, жамият ва сиёсий ҳаракатлар ўртасидаги трансмиллий алоқалар тизими сифатида намоён бўлади.

Малайзия аҳолисининг аксарият қисми ислом динига эътиқод қиладилар, айнан ислом дини ва диний омил мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгиловчи куч ҳисобланади (Ganiyev A., 2020:56). Сиёсий партиялар ва ислом дини ғоялари чамбарчас боғланиб кетган, дейилса муболаға бўлмайди.

Малайзия сиёсатида “Бутунмалайзия ислом партияси” муҳим ўринга эга, бу партия мамлакатдаги этноконфессионал вазиятни ҳисобга олган ҳолда ислом динини тўғри тушунишни тарғиб этиш шиори остида, Малайзия Федерациясини ислом шариати асосида ташкил этиш ва уни ҳаётнинг барча жабҳаларига тадбиқ этишни илгари сурган (Ganiyev A., 2020:10).

1969 йилнинг май ойида турли миллий жамоаларнинг профессионал нотенглиги натижасида олиб борилган сиёсий ўйинлар кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлган (Гусев М., 2004:58). Ўша пайтда содир бўлган воқеалар аҳолининг малай ва хитой миллатига мансуб фуқаролари ўртасида қонли тўқнашувларга сабаб бўлгани, хинд миллатига мансуб фуқароларнинг аксарияти эса хитой миллатини қўллаб-қувватлагани кузатилган.

Ушбу ҳолат юзасидан “Far Eastern economic review” журнали шарҳловчиси К.Дас шундай фикр билдиради: “... Осиёдаги миллатчиликка асосланган низолар аҳолининг қуйи қатламини жалб этса ҳам лекин ўрта қатлам томонидан уюштирилади” (Гусев М., 2007:45-50).

Ушбу воқеалар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ислохотлар ўтказилишига замин яратди. Парламент тизими фаолияти бир муддатга тўхтитилди ва малайларнинг сиёсат ва иқтисод соҳасидаги “ўзига хос ҳуқуқлари”нинг тан олинishi асосида қайта тикланди. 1981-2003 йилларда бош вазир сифатида фаолият юритган Муҳаммад Махатхир мамлакатда миллатлараро тотувликни таъминлашга эътибор қаратган. Бунинг учун у аввало, малай аҳолисининг ўрта қатламини ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдаги мавқеини оширишни мақсад қилди.

Малайзиянинг янги иқтисодий сиёсатига кўра, аҳолининг малай миллатига мансуб қисмининг 30 % ни иқтисодга жалб этиш лозим эди, лекин амалда бу нарсга эришиш қийин бўлди, натижада аҳоли ўзининг ижтимоий ва иқтисодий яшаш шароитини яхшилаш мақсадида ислом динига бўлган қизиқиши

ортиди. Бу ҳақда муҳолиф демократик фаолият партияси етакчиси Л.К.Сианг шундай деган: “Агар биз 1990 йилгача жиддий муаммоларни ҳал этишга улгурмас эканмиз, малайларнинг аксарият қисми мутаассиблик руҳидаги “ислом” динидан паноҳ қидира бошлайдилар” (Гусев М., 2007:45-50).

Ўша даврда Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг ислом жамоаларига имом Хумайнийнинг таъсир даражаси юқори эди, бундан ташқари бу минтақада ислом никоби остида фаолият юритувчи ташкилотларнинг фаолияти жадаллаша бошлаган эди. Мусулмонларнинг алоҳида қатлами ўз давлатларида ислом шариати асосидаги тизимни жорий этишни ёқлаб чиқа бошладилар. Бу кайфият жамиятда зиёлилар қатлами ва талабаларни ўзига жалб этиб, улардан “асл мусулмонлар”ни тарбиялаш мақсад қилинган эди. Албатта, ижтимоий муаммоларни ислом ҳаракатлари доирасида ҳал этиш мумкин эмаслиги барчага маълум, шу сабабли бу каби ҳаракат етакчилари асосий эътиборни диннинг маънавий ва маданий жиҳатларига урғу берган ҳолда тарғибот ишларига қаратганлар. Буларнинг таркибига дин ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаганлар киритилган. Ўз вақтида дунёвийлик тарафдори бўлганлар энди унинг акс тарафдорларига айланди. Бу каби қарама-қарши ҳолат тарихнинг турли босқичларида аҳолининг жамиятдаги ўрнини топиши билан боғлиқ эканини, аслида уларнинг динга нисбатан ўзгармас қарашларининг мавжуд эмаслигини, аксинча қарашларини шакллантирувчи манфаатлари мавжудлигини кўрсатади.

Малайзияда ислом дини номидан тарғибот ишларини олиб боровчиларнинг иши аҳоли яшаш тарзининг паст экани хитой тадбиркорларининг иқтисодий ҳолатни назорат қилишига қаршилиги ҳисобига осон кечар эди.

Ҳаттоки, Муҳаммад Махатхирнинг қайта сайлови вақтида ҳам аҳолининг малай миллатига мансуб бўлмаган қисми мамлакатда исломийлашув жараёнининг ортиб кетаётганидан кўрқиб уни қўллаб-қувватлаганлар. “Бутунмалайзия ислом партияси” Тренггану ва Келантан штатларида ўз ҳукмронликларини ўрнатган бўлсада, у ерда марказий раҳбарият томонидан шариат нормаларининг киритилишига рухсат берилмаган. Шариат қонун-қоидалари аста-секинлик билан, яширин тарзда амалга оширилган, жумладан малай аёлларининг ишлаб чиқаришда фаолият юритишларига тақиқ қўйилди, лекин бу соҳада ҳам аёлларнинг ёрдами керак бўлгани сабабли кейинчалик бу аёлларнинг баъзи тоифаларига нисбатан қўлланила бошланди. Ушбу икки штатда барча миллатга мансуб аёлларнинг тўлиқ ёпиниб юришлари мажбурият сифатида киритилди, савдо

дўконларининг барчасида аёллар ва эркеклар учун алоҳида кассалар ташкил этилди, ўғрилиқ ва тамагирлик учун айбдорларнинг қўли кесилиши ва тошбўрон қилиниши каби жазолар киритилиши ҳақида ҳам ҳаракатлар кузатилган. Бу албатта нафақат бошқа миллат ва дин вакиллари балки мусулмонларнинг ҳам норозиликларига сабаб бўлди.

Сайлов натижаларидан руҳланган “Бутунмалайзия ислом партияси” кейинги сайловларда Миллий фронтдан камида яна иккита штатни тортиб олишни, шу тариқа бутун Малайзия Федерациясини ислом давлатига айлантиришни режа қилган эди. Ҳатто ушбу партия етакчиларидан ҳисобланган Абдулазиз ибн Неъмат диний ҳиссиётга берилиб, навбатдаги сайловларда унинг партиясига овоз берган тарафдорларга охиратда жаннатни, унга қарши бўлганларга эса дўзах азобини ваъда беришгача борган (Гусев М., 2007:45-50).

2004 йил март ойида ўтказилган навбатдаги сайловларда Миллий фронт ва унинг етакчи партияси ҳисобланган Малайзия бирлашган миллатлар ташкилотининг ютиб чиқиши ҳамда 1999 йилги сайловларда бой берилган штатларнинг қайтариб олинишига эришилди.

“Бутунмалайзия ислом партияси” парламентда 7 та ўринга эга бўлиб қолиш билан бирга, нефть казиб олинувчи Тренггану штатидаги ҳукмронлиги билан бирга, ўзининг суянчиқ штати ҳисобланган Келантандаги имтиёзлардан ҳам маҳрум бўлди.

Янги бош вазир Абдулла Аҳмад Бадавий томонидан коррупцияга қарши ялпи курашнинг эълон қилиниши мамлакатни тўлиқ исломийлаштириш тарафдорларининг кескин камайишига олиб келди.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА

Муҳолиф бўлиш – мутаассибларнинг мавжуд ҳукуматни танқид қилиш ва фаолиятини йўққа чиқариш орқали сиёсий курашдаги энг қулай йўли ҳисобланади, бу йўлда уларга ҳеч кимнинг руҳсати зарур ҳисобланмайди. Худди шундай “Бутунмалайзия ислом партияси” ҳам сайловларда ютқазганига қарамай, сиёсат оламида ўз ўрнини ушлаб қолди. Улар энди эътиборни жамиятда малайлар сингари тенгликни таъминлашни ваъда қилиб, ўзлари қарши бўлган қатлам, яъни турли миллат вакилларига қарата бошлади.

Халқаро экспертлар Малайзияда қарама-қарши томоннинг манфаатларини инобатга олиш керак бўлган жуда мураккаб вазият юзага келганини эътироф этдилар. Ушбу даврда номусулмонлар шариатнинг ўз диний эътиқодларига таҳдиддан кўркиб, қабул қилинадиган қонунларда кўпроқ

ҳуқуқларга эга бўлишга ҳаракат қилдилар. 30 та кўзга кўринган ҳинд ташкилоти ҳиндларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қўмита туздилар ва киролга мамлакатнинг барча фуқаролари учун диний эркинликни кафолатловчи мактуб йўлладилар, бу ҳатти-ҳаракатни ўз навбатида хитой жамоаси тўлиқ қўллаб-қувватлаган.

“Бутунмалайзия ислом партияси” вице-президенти Нашаруддин Мет Исо шундай таъкидлаган: “Партия аъзолари ҳозирда етук ва билимли, ислом эса партиянинг барча аъзоларига уларнинг дини ва миллатидан қатъий назар тенглик ва адолатни таъминлайди” (Гусев М., 2004:59). Бу билан у бошқа миллатлар учун ҳам мамлакатда барча соҳада тенглик таъминланишига ишора қилади.

Худди шу партиянинг етакчиларидан бири Махфуз Омар, номусулмонлар исломдан хавфсираши асоссиз экани, бу партия номусулмонлар учун кўплаб нарсалардан воз кечаётгани, вафти келиб ҳамма исломнинг уларнинг ҳаётий эҳтиёжларининг барча талабларига тўлиқ жавоб беришига амин бўлишларини (Гусев М., 2007:45-50), дея эътироф этади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бу каби фикрлар ҳар қандай партия ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мутаассибона фикр ва қарашлардан воз кечишлари ҳамда муроса йўлини танлашга мажбур бўлишини кўрсатади, бундан ташқари бугунги кундаги ҳар қандай жамиятда мавжуд дин сиёсатнинг ажралмас қисми эканини исботлайди. Дунё сиёсатчиларининг динга нисбатан турғун қарашлари мавжуд эмас, лекин уни шакллантирувчи доимий қизиқишлар мавжудлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Buvinic, M. Women in Poverty: A New Global Underclass // Foreign Policy (Fall). P. 39. 2См. United Nations Millennium Development Goals. URL: <http://www.undp.org/content/undp/en/home/mdgoverview.html>
2. Chalk P. West European Terrorism and Counter Terrorism: The Evolving Dynamic. New York: St Martin's Press, 1996. P. 98.
3. Cronin A. K. Behind the Curve .Globalization and International Terrorism // International Security. 2002. 27(3). Winter/Spring. P. 39.
4. <http://lawinrussia.ru/content/religioznyy-faktor-v-politike>
5. Huntington, S. The Clash of Civilizations. New York: Simon and Schuster, 1996.

6. Marty M. and Appleby R.S. Conclusion: Remaking the State: The Limits of the Fundamentalist Imagination // *Fundamentalisms and the State: Remaking Politics, Economies, and Militance*. Chicago: The University of Chicago Press, 1993.
7. Smith, D. E. Religion and Political Development. Boston, MA: Little Brown, 1970. P.6.
8. The Globalization of World Politics: an Introduction to International Relations / John Baylis, Steve Smith, Patricia Owens. 4th edition. New York: Oxford University Press, 2008.
9. United Nations Human Development Report. New York: United Nations Development Programme? 2003. URL: http://www.unicef.org/hdr/hdr2003/hdr03_complete.pdf
10. Армстронг К. Битва за Бога. История фундаментализма. – Москва: 2013. – Стр.109.
11. Баталов Э.Я. Антропология мировой политики и международных отношений. – Москва: Аспект Пресс, 2010. С. 93.
12. Гусев М. Исламский фактор во внутренней ситуации в Малайзии // «Азия и Африка сегодня». – Москва: 2007 г., № 5, – Стр. 45–50.
13. Гусев М. Может ли возникнуть “Новый Азиатский халифат”? // «Азия и Африка сегодня». – Москва: 2004 г., № 11, – Стр. 58.
14. Ganiyev, A. (2020). TAXATION POLICY AND LAND REFORMS IN COLONIAL MALAYA. The Light of Islam, 2020(4), 56-62. <https://uzjournals.edu.uz/iauvol2020/iss4/7/>.
15. Ganiyev, A. (2020). Institution of Zakat in Colonial Malaysia. The Light of Islam, 2020(1), 10-18. <https://uzjournals.edu.uz/iauvol2020/iss1/2/>
16. Земляков Л.Е. Религиозный фактор политической культуры. Вестник БДУ. Сер.3. 2006. № 3. – Стр.70.
17. Инсон хукуклари декларацияси (1948), Инсон хукуклари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш Европа конвенцияси (1950), Иркий камситишнинг барча турларини тақиқлаш бўйича халқаро конвенция (1965), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакт (1966), Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси (1979), Аёлларни камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (1979), Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича африка хартияси (1981), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1984) ва б.
18. Корм Ж. Религиозный вопрос в XXI веке. Геополитика и кризис постмодерна. – Москва: “Институт общегуманитарных исследований”, 2012; Звягелская И.Д. Религиозный фактор в палестино-израильском конфликте // Религия и конфликт /под ред. Малашенко А. и Филатова С. – Москва: “Росспен”, 2007; Митрофанова А.В. Религиозный фактор в мировой политике и проблема «цивилизаций» // Век глобализации. 2008.
19. Косов Г.В. Политическая концепция ислама: цивилизационный и политологический анализ. – Ставрополь: Возрождение, 2008.
20. Кюнг Г. Великие христианские мыслители. – СПб.: 2000. – Стр. 390.
21. Лейн Т. Христианские мыслители. – Москва: 1997. – Стр. 326
22. Митрофанова А.В. Религиозный фактор в мировой политике и проблема “цивилизаций” // Век глобализации. 1/2008. Стр.109.
23. Nematullo Mukhamedov & Nurulloh Turambetov. (2021). The origins of religious tolerance in Central Asia. International journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 10(12), 68–73. Retrieved from <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/105>.
24. Назаров А.А. Религиозный фактор и его влияние на внешнюю политику государств: ретроспективный анализ // Вестник РМАТ №3. 2017. С.26.
25. Пай Л. Незападный политический процесс // Политическая наука. – 2003. – № 2., Василев Л.С. История Востока: в 2 т. – Москва: Высшая школа, 1993., Ерасов Б.С. Общие критерии дихотомного сопоставления социокультурных оснований Запада и Востока // Сравнительное изучение цивилизаций. – Москва: Аспект Пресс, 1998.
26. Переяшкин А.В. Религиозный фактор в современной мировой политике. Диссертация на соискание ученой степени кандидата политических наук. Пятигорск – 2015. – Стр. 17,
27. Поливянный Д.И. Конфессиональные аспекты международных отношений и мировой политики. Доступ: <http://www.hist.msu.ru/Labs/UkrBel/relotn.htm> (дата обращения: 14.05.2020).
28. Религия и глобализация на просторах Евразии / Под ред. А.Малашенко, С.Филатова. – Москва: 2009. – Стр. 97
29. Родосская декларация 2009 года. Доступ: <http://www.ageev.net/2009/10/mirovoj-obshhestvennyj-forum-dialog-civilizacij> (дата обращения: 14.05.2020).
30. Станкевич Г.В., Косов Г.В. Политизация религиозного фактора: исламская проекция. / Исламоведение. 2013. № 3. – Стр. 15.
31. Угринович Д.М. Философские проблемы критики религии. – Москва: Политиздат, 1965. - Стр. 325–326.
32. Фактор // Большая советская энциклопедия: в 30 т. / гл.ред. А.М.Прохоров. – 3-е издание. — Москва: “Советская энциклопедия”, 1969-1978.
33. Шерис А. Религиозный фактор и общество. Белорусская думка. № 5, 2019. Стр. 110.
34. Яковлев А.И. Религиозный фактор в мировой политике в эпоху глобализации: от секуляризации к фундаментализму // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 25. Международные отношения и мировая политика. 2013. № 4. – Стр. 6.

REFERENCES

1. Buvinic, M. Women in Poverty: A New Global Underclass // *Foreign Policy* (Fall). P. 39. 2См. United Nations Millennium Development Goals. URL: <http://www.undp.org/content/undp/en/home/mdgoverview.html>
2. Chalk P. West European Terrorism and Counter Terrorism: The Evolving Dynamic. New York: St Martin’s Press, 1996. P. 98.

3. Cronin A. K. Behind the Curve .Globalization and International Terrorism // International Security. 2002. 27(3). Winter/Spring. P. 39.
4. <http://lawinrussia.ru/content/religioznyy-faktor-v-politike>
5. Huntington, S. The Clash of Civilizations. New York: Simon and Schuster, 1996.
6. Marty M. and Appleby R.S. Conclusion: Remaking the State: The Limits of the Fundamentalist Imagination // Fundamentalisms and the State: Remaking Politics, Economies, and Militance. Chicago: The University of Chicago Press, 1993.
7. Smith, D. E. Religion and Political Development. Boston, MA: Little Brown, 1970. P.6.
8. The Globalization of World Politics: an Introduction to International Relations / John Baylis, Steve Smith, Patricia Owens. 4th edition. New York: Oxford Univ. Press, 2008.
9. United Nations Human Development Report. New York: United Nations Development Programme? 2003. URL: http://www.unic.un.org/pl/hdr/hdr2003/hdr03_complete.pdf
10. Armstrong K. Bitva za Boga. Istorija fundamentalizma. – Moskva: 2013. – Str.109.
11. Batalov E.Ya. Antropologiya mirovoy politiki i mejdunarodnix otnosheniy. – Moskva: Aspekt Press, 2010. S. 93.
12. Ganiyev, A. (2020). TAXATION POLICY AND LAND REFORMS IN COLONIAL MALAYA. The Light of Islam, 2020(4), 56-62. <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss4/7/>.
13. Ganiyev, A. (2020). Institution of Zakat in Colonial Malaysia. The Light of Islam, 2020(1), 10-18. <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss1/2/>
14. Gusev M. Islamskiy faktor vo vnutrenney situatsii v Malayzii // «Aziya i Afrika segodnya». - Moskva: 2007 g., № 5, – Str. 45–50.
15. Gusev M. Mojet li vozniknut “Noviy Aziatskiy xalifat”? // «Aziya i Afrika segodnya». - Moskva: 2004 g., № 11, – Str. 58.
16. Zemlyakov L.Ye. Religiozniy faktor politicheskoy kulturi. Vesnik BDU. Ser.3. 2006. № 3. – Str.70.
17. Inson huquqlari deklaratsiyasi (1948), Inson huquqlari va asosiy erkinliklarini himoya qilish Yevropa konvensiyasi (1950), Irqiy kamsitishning barcha turlarini taqiqlash bo'yicha xalqaro konvensiya (1965), Fuqarolik va siyosiy huquqlar haqidagi xalqaro pakt (1966), Inson huquqlari to'g'risidagi Amerika konvensiyasi (1979), Ayollarni kamsitishning barcha turlariga barham berish to'g'risidagi konvensiya (1979), Inson va xalqlar huquqlari bo'yicha afrika xartiyasi (1981), Bola huquqlari to'g'risidagi konvensiya (1984) va b.
18. Korm J. Religiozniy vopros v XXI veke. Geopolitika i krizis postmoderna. – Moskva: “Institut Obshchegumanitarnix Issledovaniy”, 2012; Zvyagelskaya I.D. Religiozniy faktor v palestino-izraelskom konflikte // Religiya i konflikt /pod red. Malashenko A. i Filatova S. – Moskva: “Rosspen”, 2007; Mitrofanova A.V. Religiozniy faktor v mirovoy politike i problema «sivilizatsii» // Vek globalizatsii. 2008.
19. Kosov G.V. Politicheskaya konsepsiya islama: sivilizatsionniy i politologicheskiy analiz. – Stavropol: Vozrojdeniye, 2008.
20. Kyung G. Velikiye xristianskiye misliteli. – SPb.: 2000. – Str. 390.
21. Leyn T. Xristianskiye misliteli. – Moskva: 1997. – Str. 326.
22. Mitrofanova A.V. Religiozniy faktor v mirovoy politike i problema “sivilizatsii” // Vek globalizatsii. 1/2008. Str.109.
23. Nematullo Mukhamedov, & Nurullo Turambetov. (2021). The origins of religious tolerance in Central Asia. International journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 10(12), 68–73. Retrieved from <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/105>.
24. Nazarov A.A. Religiozniy faktor i yego vliyaniye na vneshnyuyu politiku gosudarstv: retrospektivniy analiz / Vestnik RMat №3. 2017. S.26.
25. Pay L. Nezapadniy politicheskiiy proess // Politicheskaya nauka. – 2003. – № 2., Vasilyev L.S. Istoriya Vostoka: v 2 t. – Moskva: Visshaya shkola, 1993., Yerasov B.S. Obshchiye kriterii dixotomnogo sopostavleniya sotsiokulturnix osnovaniy Zapada i Vostoka // Sravnitelnoye izucheniye sivilizatsiy. – Moskva: Aspekt Press, 1998.
26. Pereyashkin A.V. Religiozniy faktor v sovremennoy mirovoy politike. Dissertatsiya na soiskaniye uchenoy stepeni kandidata politicheskix nauk. Pyatigorsk – 2015. – Str. 17.
27. Polivyanniy D.I. Konfessionalniye aspekti mejdunarodnix otnosheniy i mirovoy politiki. Dostup: <http://www.hist.msu.ru/Labs/UkrBel/relotn.htm>. (data obrashcheniya: 14.05.2020).
28. Religiya i globalizatsiya na prostorax Yevrazii / Pod red. A.Malashenko, S.Filatova. – Moskva: 2009. – Str. 97.
29. Rodoskaya deklaratsiya 2009 goda. Dostup: <http://www.ageev.net/2009/10/mirovoj-obshchestvennyj-forum-dialog-civilizacij/> (data obrashcheniya: 14.05.2020).
30. Stankevich G.V., Kosov G.V. Politizatsiya religioznogo faktora: islamskaya proyeksiya. / Islamovedeniye. 2013. № 3. – Str. 15.
31. Ugrinovich D.M. Filosoficheskiye problemi kritiki religii. – Moskva: Politizdat, 1965. - Str. 325–326.
32. Faktor // Bolshaya sovetskaya ensiklopediya: v 30 t. / gl.red.A.M.Proxorov. – 3-ye izdaniye. — Moskva: “Sovetskaya ensiklopediya”, 1969-1978.
33. Sheris A. Religiozniy faktor i obshchestvo. Belaruskaya dumka. № 5, 2019. Str. 110.
34. Yakovlev A.I. Religiozniy faktor v mirovoy politike v epoxu globalizatsii: ot sekulyarizatsii k fundamentalizmu // Vestn. Mosk. un-ta. Ser. 25. Mejdunarodniye otnosheniya i mirovaya politika. 2013. № 4. – Str. 6.